

ОДАМ САВДОСИ- ЖИДДИЙ МУАММО



Дунё халқарининг жиддий муаммосига айланган одам савдосига қарши кураш барчанинг эътиборида қолмоқда.

Жиноятчиликнинг бу мудҳиш турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қатор тавсиявий ва мажбурий характерга эга бўлган ҳужжатлари қабул қилинган.

Хусусан, "Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция (1949 йил), "Қуллик ва қул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисида"ги қўшимча Конвенция (1956 йил), "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақида"ги Конвенцияни тўлдирувчи "Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхтатиши, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида"ги баённома (2000 йил) шу тоифадаги ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлар хисобланади.

Бундан ташқари, одам савдосига қарши курашиш юзасидан давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида 2005 йили МДҲ доирасида "Одам савдосига қарши курашиш соҳасида ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида"ги келишув, 2006 йилда саккиз аъзо мамлакат доирасида "Одам савдосига қарши курашнинг 2007-2010 йилларга мўлжалланган дастури" қабул қилинган эди.

Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалаларига оид миллий қонунчилигимизда ҳам ўзгаришлар бўлмоқда. Хусусан, 2019-2020 йилларда мазкур йўналишлардаги фаолиятни тартибга солиш мақсадида 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Бундан ташқари, ХМТ ва Ҳалқаро миграция ташкилотининг 6 та Конвенция ҳамда протоколлари ратификация қилинди. Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларига ўзgartиш ва қўшимчалар киритилди. Шу билан бирга, ҳалқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

БМТнинг статистик маълумотларига кўра, одамлар камидаги **127** мамлакатдан сотувга чиқмоқда ва улар **137** давлатда эксплуатация

қилинмоқда. Ҳар йили турли ҳисоб-китобларга кўра, **20-40 миллион киши** қулдорликнинг замонавий шакли қурбонига айланяпти.

Мазкур муаммонинг аниқ қўламини билиш жуда ҳам қийин, зеро, жиноий фаолият яширин содир этилади. Аниқ статистика мавжуд эмас, буни юритиб ҳам бўлмайди. Халқаро даражада одам савдоси қурбонларининг **атиги 0,04 фоизигина** аниқланган.

Афсуски, дунё бўйлаб шунча кенг қамровли амалиёт, тегишли тарғиботташвиқот олиб борилишига қарамай, ҳар йили миллионлаб инсонлар "замонавий қуллик", яъни одам савдоси қурбонига айланмоқда. Улар орасида аёллар, қизлар, кексалар, ҳатто ёш болалар ҳам борлиги жудаям ачинарли. Ушбу жиноятнинг ривожланишига туртки бўлаётган асосий омиллардан бири одамларнинг чет элга бориш ва ишга жойлашиш ҳақида етарли маълумотга эга эмаслигидир. Ачинарлиси, ўзга давлат, бегона бир муҳитга тушиб қолганлар мўмай даромад илинжида оғир жисмоний меҳнатга ёлланмоқда, аёллар эса тубан ва фаҳш ишларга мажбур этилмоқда.

БМТ маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Халқаро эксперталарнинг баҳолашича, ушбу жиноятчилик натижасида олинаётган йиллик даромад миқдори 7 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Ташвишланарлиси, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг 80 фоизи аёл ва болалардир. Ҳар йили дунё бўйича 600-800 минг нафар аёл ва болалар алдов йўли билан хорижий мамлакатларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда.

Бугунги кунда дунёда одам савдосини учта кенг турқалган тури мавжуд бўлиб, булар: жинсий эксплуатация (фохишабозлик), мажбурий меҳнат ва одам аъзоларини сотишdir.

Жинсий эксплуатация учун асосан аёллар (шу жумладан қизлар) сотиласи. Маълумотларга кўра, аёлларнинг 72 фоизи шу мақсадда сотилар экан.

Мажбурий меҳнатга жалб қилинганларнинг асосий қисмини эса эркаклар ташкил қиласи экан. Бу кўрсатгич 85,7 фоизни ташкил қилиши одам савдосидан жабр кўрган эркакларнинг аксарияти мажбурий меҳнат орқали амалга оширилишини кўриш мумкин.

Одам аъзоларини сотиш жинояти эса жуда ҳам кўзга ташланмайдиган одам савдосини тури бўлиб, одам савдоси "товарлари" умумий сонининг 1 фоиздан кўп бўлмаган қисмини ташкил қиласи экан. Бу турдаги "товарлар"нинг йиллик савдоси 1 млрд. доллардан ортиқ миқдорни ташкил қилиши жиноятнинг

мазкур тоифаси ҳам жиддий муаммо эканлигини тасдиқлайди.

Бу жиноятларнинг асосий сабаби, таг замирига назар ташласак, маънавий қашшоқлик, очқўзлик, дунёга ҳаддан ташқари ҳирс қўйиш ва нафсиға қул бўлишликни кўрамиз.

Мана шундай ифлос, жирканч жиноят бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Афсуски, фуқароларимиз ҳам одам савдоси қурбонларига айланмоқда, буни оммавий ахборот воситалари кўриб, эшитиб турибмиз. Буларнинг барчаси давлатимиз ва жамиятимиз томонидан ушбу иллатга қарши қатъий чоралар кўришни, одам савдосига жалб этилган ва ундан жабр кўрган ҳамюртларимизни муҳофаза этишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Ҳуқуқ устувор бўлган давлатимизда инсон ҳуқуқларини, қонунлар ҳимоясини амалга оширувчи органлар борки, бу каби иллатларни фош этишда кечаю-кундуз тинмай ишлашмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш ҳалқаро даражада жиддий ёндашув ва ўзаро ҳуқуқий ҳамкорлик йўлга кўйилган ҳолда амалга оширилса ўз самарасини беради.

Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари

бўйича судлов ҳайъати судьяси

И.Абраев